

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ХЎЖАЛИК БИРЛАШМАЛАРИ
РАЎБАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
ЎРИНБОСАРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
ЭНГ МУЎИМ САМАРАДОРЛИК
КЎРСАТКИЧЛАРИ АСОСИДА
БАЎОЛАШ ТАРТИБИ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2024

Хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш тартиби бўйича услубий қўлланма.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 25 б.

Мазкур услубий қўлланма хўжалик бирлашмаларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш бўйича муҳим маслаҳатларни тўплаб, вазирлик ва идораларга ҳуқуқий ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган. Қўлланма давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим кўрсаткичлари тизимини жорий этиш каби муҳим масалаларни қамраб олади.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

© «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2024 йил

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (kpi) тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари.....	5
Хўжалик бирлашмалари раҳбарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолашни тартибга солиш.....	6
Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби.....	9
Иловалар.....	20

КИРИШ

Давлатимиз раҳбари ҳудудларга ташрифи давомида ҳар бир давлат хизматчисининг фаолиятида самарадорлик ва натижадорлик бўлиши кераклигини алоҳида таъкидламоқда. Хусусан, давлат раҳбарининг “Натижадорлик ҳаммамиз учун бош талаб, асосий мезонга айланмоқда”, “Амалий натижадорлик ва халқ манфаатларини рўёбга чиқариш ҳукуматнинг ҳар бир аъзоси фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони бўлади”, “Ҳозирги кунда давлат фуқаролик хизматида 118 минг киши меҳнат қиляпти. Лекин, натижадорлик бўйича айтганда, ҳали давлат хизмати халқни рози қиладиган тизимга айлангани йўқ” каби даъватлари шулар жумласидандир.

Давлат раҳбари томонидан белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва самарали шаклда таъминлаш мақсадида хўжалик бирлашмалари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари орқали баҳолаш тизими жорий этилмоқда.

Шу ўринда, Адлия вазирлиги томонидан хўжалик бирлашмаларининг раҳбар ва уларнинг ўринбосарлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётни шакллантириш жорий қилиш, шунингдек ушбу жараённи уларга содда ва тушунарли шаклда етказиш мақсадида Хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш тартиби бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

ЭНГ МУҲИМ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ (КРІ) ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият
органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари
фаолияти самарадорлигини баҳолаш
тизимини такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги
Фармони



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият
органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари
раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари
фаолиятини энг муҳим самарадорлик
кўрсаткичлари асосида баҳолашни ташкил
этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
қарори



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
давлат хизматини ривожлантириш агентлиги
директорининг “Давлат фуқаролик хизматчилари
фаолиятининг самарадорлигини энг
муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш
услугиятини тасдиқлаш тўғрисида”ги
буйруғи



Хўжалик бирлашмалари раҳбарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолашни тартибга солиш

● **KPI бу нима? “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида янги KPI тизимини жорий қилиш**



KPI (*Key Performance Indicators*) – корхона ёки ташкилотнинг асосий самарадорлик кўрсаткичларини ўлчовчи тизими ҳисобланади. Мазкур кўрсаткичлар ташкилотнинг стратегик мақсадларга қандай самарали эришганлигини баҳолаш имконини беради.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш доирасида 2024 йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичларга ўз вақтида, тўлақонли ва сифатли эришилишини таъминлаш, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларининг бу борадаги масъулияти ва шахсий жавобгарлигини ошириш ҳамда фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 мартдаги ПФ–49-сон “Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан қуйидаги янги тартиб жорий этилди.



Унга кўра, хўжалик бирлашмалари (*Қўлланманинг 1-иловаси*) раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI), уларга эришиш бўйича “йўл хариталари” ҳамда улар томонидан ҳудудларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури **Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.**

! **Маълумот учун:** Мамлакатимизда давлат фуқаролик хизматида фаолият самарадорлигини баҳолашга оид дастлабки ҳуқуқий асос Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПФ–5843-сон “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳисобланади.

● КРІ тизимини жорий этиш бўйича ваколатли орган



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат
хизматини ривожлантириш
агентлиги (кейинги
ўринларда – Агентлик) давлат

фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим кўрсаткичлари тизимини жорий этиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади. Шунингдек, **Агентлик** ўз ваколати доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

✔ давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида фойдаланиладиган ўлчанадиган индикаторлар (энг муҳим кўрсаткичлар) ишлаб чиқишлишини таъминлайди;

✔ ўлчанадиган индикаторлар (энг муҳим кўрсаткичлар)ни ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг натижаларини таҳлил қилиш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига раҳбарлик қилади ва услубий ёрдам кўрсатади;

✔ давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигининг ўлчанадиган индикаторлари (энг муҳим кўрсаткичлар) кўрсатган натижалар таҳлилининг холислиги ва ҳаққонийлигини назорат қилади;

✔ давлат фуқаролик хизматчилари кўрсатган ўлчанадиган индикаторлар (энг муҳим кўрсаткичлар) натижаларини таҳлил қилади;

✔ давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятдан қониқиш даражасини баҳолашнинг замонавий услубларидан фойдаланади, шу жумладан жамоатчилик фикрини ўрганади, статистика ва ижтимоий тадқиқотларни таҳлил қилади;

✓ давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш яқунлари бўйича давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очиқ рейтингини шакллантиради.

КРІ ТИЗИМИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Ҳар бир раҳбар фаолияти аниқ кўрсаткичлар асосида баҳоланади, бу уларнинг фаолиятини белгиланган мақсадларга йўналтириб, **самарадорлигини оширади**

КРІ кўрсаткичлари асосида ҳар бир раҳбар ўз натижалари учун **шахсан жавобгар** бўлади

Иш фаолияти доимий равишда назорат қилинади ва самарадорликни ошириш учун **зарур чоралар кўрилади**

КРІ тизими орқали раҳбарларнинг кучли ва заиф томонлари аниқланиб, уларни **касбий ривожлантириш** имкониятлари яратилади



БАҲОЛАНУВЧИ РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 июлдаги 463-сон қарори

Самарадорлик кўрсаткичлари **ҳар йил учун чораклар кесимида** ишлаб чиқилиб, тасдиқланади ҳамда унинг ижроси ҳар чорак ва йил якуни бўйича баҳоланади.

Бунда **хўжалик бирлашмалари раҳбарлари** ва уларнинг **ўринбосарлари** фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари кузатув кенгашлари томонидан маъқулланади ҳамда унинг ижроси **ҳар чорак** ва **йил якуни бўйича** кузатув кенгашлари томонидан муҳокама қилинади.

Самарадорлик кўрсаткичларида “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш доирасида белгиланган мақсадли кўрсаткичлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли хўжалик бирлашмаларига юкланган вазифалар ҳамда топшириқлар, шунингдек, баҳоланадиган бирлашмаларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари (кейинги ўринларда – баҳоланувчи раҳбар) фаолиятининг асосий вазифалари ва мақсадлари акс эттирилади.

Эслатма! **Самарадорлик кўрсаткичлари** – бу функционал вазифа ва мажбуриятларни ижро этилиши самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш учун қўлланиладиган ва миқдордан ўлчаш мумкин бўлган баҳолаш индикаторлари. Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларининг намунавий шакли қўлланманинг **2-иловасида**.



Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва баҳолаш “**Samaradorlik.uz**” электрон платформаси орқали амалга оширилади.

Самарадорлик кўрсаткичлари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак

“аниқ бўлиши” — эришиш кўзланаётган самарадорлик кўрсаткичларининг аниқ белгиланиши

“вақт чегарасининг мавжудлиги” — эришиш кўзланаётган натижаларга эришишнинг аниқ муддатлари белгиланиши

“компетентлиги” — самарадорлик кўрсаткичлари баҳоланувчи раҳбарнинг вазифа ва жавобгарлиги доирасида бўлиши

“мақсадлилиги” — самарадорлик кўрсаткичлари хўжалик бирлашманинг асосий вазифаларини амалга оширишдан кутилаётган натижаларга эришишга йўналтирилганлиги

“эришиш мумкинлиги” — самарадорлик кўрсаткичларининг мавжуд ресурс ва ваколатларга мувофиқлиги

“ўлчанадиган бўлиши” — самарадорлик кўрсаткичларига эришиш даражасини баҳолаш учун муайян шартли бирликларда ўлчаш мумкин бўлган кўрсаткичлардан фойдаланиш.



! **Маълумот учун:** Ҳар бир баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари сони қоида тариқасида, **5 тадан 10 тагача** бўлади. Самарадорлик кўрсаткичларининг вазни уларнинг муҳимлиги, мураккаблиги ва уларни бажариш учун сарфланадиган вақтдан келиб чиқиб белгиланади. Ҳар бир баҳоланувчи раҳбар фаолияти самарадорлик кўрсаткичларининг чорак учун умумий вазни **100 га** тенг бўлади.

Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва баҳолаш СХЕМАСИ

1-босқич

Хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари, "йўл хариталари" ва чора-тадбирлар дастури кузатув кенгашлари томонидан маъқулланганидан сўнг тасдиқлаш учун **Вазирлар Маҳкамасига** киритади.

15 декабрга қадар

2-босқич

Вазирлар Маҳкамаси самарадорлик кўрсаткичлари, уларга эришиш бўйича "йўл хариталари" ҳамда ҳудудларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурини кўриб чиқиб, тасдиқлайди.

15 январга қадар

3-босқич

Тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичлари, "йўл харитаси" ҳамда чора-тадбирлар **"Samaradorlik.uz"** электрон платформасига киритилади.

25 январга қадар

4-босқич

**ҳисобот
даврдан
кейинги ойнинг
20-санасига
қадар**

Баҳоланувчи раҳбар самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни платформага киритади, бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар автоматик тарзда шакллантириладиган самарадорлик кўрсаткичлари бундан мустасно.

5-босқич

Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган давлат органлари ёки Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари платформага киритилган самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлайди ва баҳоланувчи раҳбар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари рейтингини шакллантиради.

**Ҳисобот даврдан
кейинги ойнинг
30-санасига қадар
ва 30-санасида**

6-босқич

**дастурда
белгиланган
муддатларда**

Баҳоланувчи раҳбар "Йўл харитаси" ҳамда чоратadbирлар дастури ижроси бўйича маълумотларни, шу жумладан, ҳисоботлар ва асословчи ҳужжатларни платформага киритади.

● Самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш тартиби

Самарадорлик кўрсаткичларининг чорак якуни бўйича натижаси қуйидаги тартибда ҳисобланади:

а) самарадорлик кўрсаткичларига эришиш даражаси қуйидаги формулалар асосида ҳисоблаб чиқилади:

КЭД = (КИ/КП)*100		КЭД = 100+(100-КИ/КП*100)	
прогрессив тоифадаги самарадорлик кўрсаткичлари учун		регрессив тоифадаги самарадорлик кўрсаткичлари учун	
Бунда:			
КЭД	<i>самарадорлик кўрсаткичларига эришиш даражаси</i>		
КИ	<i>самарадорлик кўрсаткичлари ижроси таъминланганлиги натижаси</i>		
КП	<i>самарадорлик кўрсаткичлари прогнози</i>		

б) чорак якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичлари натижаси қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

КОБ = КЭД*ЧВ	
Бунда:	
КОБ	<i>самарадорлик кўрсаткичлари ижроси бўйича олинган балл</i>
ЧВ	<i>самарадорлик кўрсаткичларининг чораклик вазни</i>

в) чорак якуни бўйича фаолият самарадорлиги натижаси қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

ФСН = КОБ₁ + КОБ₂ + ...	
Бунда:	
ФСН	<i>фаолият самарадорлиги натижаси</i>

Самарадорлик кўрсаткичларининг йил якуни бўйича натижаси қуйидаги тартибда ҳисобланади:

а) самарадорлик кўрсаткичларига эришиш даражаси қуйидаги формулалар асосида ҳисоблаб чиқилади:

КЭД = (КЙИ/КП)*100	КЭД = 100+(100-КЙИ/КП*100)
прогрессив тоифадаги самарадорлик кўрсаткичлари учун	регрессив тоифадаги самарадорлик кўрсаткичлари учун
Бунда:	
КЭД	<i>самарадорлик кўрсаткичларига эришиш даражаси</i>
КЙИ	<i>самарадорлик кўрсаткичлари йиллик ижроси таъминланганлиги натижаси</i>
КП	<i>самарадорлик кўрсаткичлари прогнози</i>

б) самарадорлик кўрсаткичлари ижросининг йиллик таъминланганлиги натижаси қуйидаги формулалар асосида ҳисоблаб чиқилади:

КЙИ = КИ1 + КИ2 + КИ3 + КИ4	КЙИ = КИ	КЙИ = (КИ1+КИ2+КИ3+КИ4)/4
<i>самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлари даврий шаклда киритилган ҳолатда</i>	<i>самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлари ўсувчи шаклда киритилган ҳолатда</i>	<i>самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлари ўртача шаклда киритилган ҳолатда</i>
Бунда:		
КИ₁	<i>самарадорлик кўрсаткичларининг чораклик маълумоти</i>	
КИ_{охириги} чорак натижаси	<i>самарадорлик кўрсаткичлари ижроси киритилган охириги чоракдаги маълумоти</i>	

в) йил якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичлари натижаси қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

КОБ = КЭД*ЙВ	
Бунда:	
КОБ	<i>самарадорлик кўрсаткичлари ижроси бўйича олинган балл</i>
ЙВ	<i>самарадорлик кўрсаткичининг йиллик вазни</i>

г) самарадорлик кўрсаткичларининг йиллик вазни қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

$ЙВ = (ЧВ_1 + ЧВ_2 + ЧВ_3 + ЧВ_4) / 4$
--

д) йил якуни бўйича фаолият самарадорлиги натижаси қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

ФСЙН = КОБ1 + КОБ2 + ...,	
Бунда:	
ФСЙН	<i>фаолият самарадорлиги йиллик натижаси</i>

Ҳар бир самарадорлик кўрсаткичига белгиланадиган салмоқ ўлчови йиғиндисидан келиб чиқиб, самарадорлик кўрсаткичлари улар бажарилиши **70 фоиздан** кам бўлганда — **“қониқарсиз”**, **70 фоиздан 85 фоизгача** — **“қониқарли”**, **85 фоиздан 100 фоизгача** — **“яхши”** ҳамда **100 фоиз** ва ундан юқори бўлганда **“аъло”** деб баҳоланади.



● Баҳоланувчи раҳбар фаолияти самарадорлик кўрсаткичларининг “йўл харитаси” ва чора-тадбирлар дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

Платформада тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичлари, “йўл харитаси” ҳамда чора-тадбирлар дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар **Вазирлар Маҳкамаси Раёсати қарори** асосида киритилади.



<https://samaradorlik.uz/>


Шунингдек, тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичлари, “йўл харитаси” ҳамда чора-тадбирлар дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар қуйидаги тартибда киритилади:

1 Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими самарадорлик кўрсаткичлари, “йўл харитаси” ҳамда чора-тадбирлар дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан қуйидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда, Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига хат киритади:

- ✚ Вазирлар Маҳкамаси Раёсати қарори (PDF шаклида илова қилинади);
- ✚ ташкилотнинг номи;
- ✚ баҳоланувчи раҳбар Ф.И.О. ва лавозими;

✚ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиладиган самарадорлик кўрсаткичлари, “йўл харитаси” ҳамда чора-тадбирлар дастури ҳақида маълумот (прогнози, маълумоти, ҳисобот даври);

2 Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг хатига асосан платформага ўзгартириш ва қўшимчалар **беш иш куни ичида** киритилади.



Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлигини баҳолашни аудитдан ўтказиш ва мониторинг қилиш

Самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумот, шунингдек, “йўл харитаси” ҳамда чора-тадбирлар дастури ва уларнинг ижроси юзасидан **маълумотлар ўз вақтида ва сифатли киритилиши ҳамда тасдиқланиши** танланма тартибда **Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги** томонидан мониторинг қилинади ҳамда хато ва камчиликлар аниқланганда, Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритилади.



Самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумот, шунингдек, “йўл харитаси” ҳамда чора-тадбирлар дастурининг ижроси юзасидан маълумотларнинг ҳаққонийлиги танланма тартибда **Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли ташкилот вакиллари**ни жалб қилган ҳолда текширилади.

Хўжалик бирлашмалари раҳбарлари – ўзлари масъул бўлган тармоқ ва соҳалар бўйича самарадорлик кўрсаткичларига эришилиши ҳамда маълумотларни тўғри ва ўз вақтида платформага киритилишини таъминлашга шахсан масъул ва жавобгар ҳисобланади.




Хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг ўринбосарлари — ўзларининг самарадорлик кўрсаткичларини сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқишга ҳамда уларга эришишга, шунингдек, эришилганлиги ҳақидаги маълумотларни тўғри ва ўз вақтида платформага киритишга шахсан масъул ва жавобгар ҳисобланади.



Платформадан фойдаланишни техник жиҳатдан ташкил қилиш ва баҳоланувчи раҳбар тўғрисидаги маълумотларни бошқариш

Платформадан фойдаланиш техник жиҳатдан Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича **ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ** томонидан ташкил этилади.





 **Маълумот учун:** “UZINFOCOM” МЧЖ – Ўзбекистон Республикасида давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича **Ягона Интегратор**. 2002 йилда ташкил топган. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги таркибига киради

“UZINFOCOM” МЧЖ ўз ваколати доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

- ✓ платформанинг сифатли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлайди ва уни доимий равишда техник қўллаб-қувватлаш чораларини кўради;
- ✓ хўжалик бирлашмаларига ижро этувчи ҳокимият органларига платформадан фойдаланиш жараёнида техник ёрдам кўрсатилишини ташкил этади;

- ✓ платформанинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради;
- ✓ хўжалик бирлашмалари томонидан платформадан фойдаланиш жараёнида келиб тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг таклифларига асосан платформани такомиллаштиради ва модернизация қилади.

Хўжалик бирлашмаларининг кабинетига баҳоланувчи раҳбар ҳақидаги маълумотлар “**hrm.argos.uz**” электрон платфoрмаси орқали интеграция қилиш орқали автоматик тарзда шакллантирилади  **HRM.ARGOS.UZ**

 **Эслатма!** “**hrm.argos.uz**” электрон платфoрмаси – давлат органлари ва ташкилотларининг инсон ресурсларини бошқаришга оид фаолиятини рақамлаштириш ахборот тизими.

**Фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида
баҳоланадиган хўжалик бирлашмалари
РЎЙХАТИ**

V. Давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган компаниялар ва жамиятлар	
1.	«Ўзавтосаноат» АЖ
2.	«Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси» АЖ
3.	«Ўзагролизинг» АЖ
4.	«Ўзсувтаъминот» АЖ
5..	«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ
6.	«Uzbekistan Airways» АЖ
7.	«Uzbekistan Airports» АЖ
8.	«Тошшаҳартрансхизмат» АЖ
9.	«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ
10.	«Ўзбекнефтгаз» АЖ
11.	«Ўзтрансгаз» АЖ
12.	«Худудий электр тармоқлари» АЖ
13.	«Иссиқлик электр станциялари» АЖ
14.	«Худудгазтаъминот» АЖ
15.	«Ўзбекгидроэнерго» АЖ
16.	«Навоий КМК» АЖ
17.	«Олмалиқ КМК» АЖ
18.	«Ўзметкомбинат» АЖ
19.	«Ўзкимёсаноат» АЖ
20.	«Навоийазот» АЖ
21.	«Ўзбектелеком» АК
22.	«Ўзмелиомашлизинг» ДУК
23.	«Навоийуран» ДК
VI. Уюшмалар	
1.	«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси
2.	«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси
3.	«Ўзчармсаноат» уюшмаси
4.	«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси
5.	«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси

6.	«Ўзёғмойсаноат» уюшмаси
7.	«Хунарманд» уюшмаси
8.	«Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси
9.	«Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси
10.	«Паррандасаноат» уюшмаси
11.	«Ўзбекистон асаларичилари» уюшмаси
12.	Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши

Изоҳ. Ушбу рўйхатдаги хўжалик бирлашмаларининг раҳбарлари бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари бўлганда, шунингдек, режим ва кадрлар масалалари бўйича ўринбосарларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 мартдаги ПФ-49-сон Фармони билан жорий этилган фаолият самарадорлигини баҳолаш тизими татбиқ этилмайди.

Хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

Т/р	Вазифалар (асосий мезонлар)	Ўлчов бирлиги	Тоифаси (прогрессив /регрессив)*	2023 йил (ҳолати)**	2024 йил (режа)	шу жумладан:								Бажарилиши тўғрисидаги маълумотни тасдиқлашга масъул
						I чорак		II чорак		III чорак		IV чорак		
						вазн	режа	вазн	режа	вазн	режа	вазн	режа	
1. Ташкилотнинг номи														
1.1. Раҳбар Ф.И.О.														
1.	1.													
2.	2.													
1.2. Раҳбарнинг биринчи ўринбосари Ф.И.О.														
3.	1.													
4.	2.													
1.3. Раҳбар ўринбосари Ф.И.О.														
5.	1.													
6.	2.													

Изоҳ:

* прогрессив — бажарилиши тўғрисидаги маълумотларнинг режага нисбатан ўсиш динамикаси ижобий натижа бўлганда, регрессив — бажарилиши тўғрисидаги маълумотларнинг режага нисбатан пасайиш динамикаси ижобий натижа бўлганда.

** 2025 йилдан бошлаб олдинги йилнинг ҳолати, агар платформада мавжуд бўлса, платформадаги маълумотлар асосида шакллантирилади

Хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари
фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларига эришиш
бўйича “йўл хариталари”нинг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

Т/р	Амалга ошириш механизми/ишлаб чиқиладиган ҳужжат	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1. Ташкилотнинг номи			
1.1. Раҳбар Ф.И.О.			
1. Биринчи самарадорлик кўрсаткичининг номи			
1.1.			
1.2.			
1.3.			
2. Иккинчи самарадорлик кўрсаткичининг номи			
2.1.			
2.2.			
2.3.			
1.2. Раҳбарнинг биринчи ўринбосари Ф.И.О.			
1. Биринчи самарадорлик кўрсаткичининг номи			
1.1.			
1.2.			
1.3.			
2. Иккинчи самарадорлик кўрсаткичининг номи			
2.1.			
2.2.			
2.3.			

**Хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари
фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини
ҳудудларда амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар
дастурининг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

Т/р	Ҳудуд номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1. Ташкилотнинг номи				
1.1. Раҳбар Ф.И.О.				
1. Биринчи самарадорлик кўрсаткичининг номи				
1.1.				
1.2.				
1.3.				
2. Иккинчи самарадорлик кўрсаткичининг номи				
2.1.				
2.2.				
2.3.				
1.2. Раҳбарнинг биринчи ўринбосари Ф.И.О.				
1. Биринчи самарадорлик кўрсаткичининг номи				
1.1.				
1.2.				
1.3.				
2. Иккинчи самарадорлик кўрсаткичининг номи				
2.1.				
2.2.				
2.3.				

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ Фойдали ҳаволалар



Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат
хизматини ривожлантириш
агентлигининг расмий
веб-сайти



“Samaradorlik.uz” электрон
платформаси



“hrm.argos.uz” электрон
платформаси



“Advice.uz” ҳуқуқий
ахборот портали